

Академик Мирзиёд Мирсаидов Сирдарё вилоятининг Мирзаобод Гидромелиорация касб - ҳунар колледжида учрашув ўтказди

Бу учрашувда колледжнинг иқтидорли ўқувчилари, колледж директори Г.Хайдарова, Сирдарё вилоят ўрта махсус КХТБ бошлиғи ўринбосари Б. Ҳакимжонов ва ТИҚҲММИ профессори Т.Мавлоновлар қатнашдилар. Учрашувни колледж директори Г.Хайдарова кириш сўзи билан очиб, академик М.Мирсаидовга сўз берди.

М.Мирсаидов ўз сўзида Президентимизнинг ёшларга бўлган эътибори, уларга яратилаётган шароитлар тўғрисида гапирди. Келажакда уларни илм фаннинг юқори чўққиларини эгаллаб, янги технологияларни ўзлаштиришга чақирди. Ўқувчиларга келажакда давлатимиз равнақи учун фаол хизмат қиласиган, етук олим бўлиб етишишлари учун ўқувчилар ўқитилаётган фанларни чуқур ўзлаштириши, тинимсиз меҳнат қилиши ва ҳар доим олдинга интилиши кераклиги ҳақида гапирилди.

Буни амалга ошириш учун ёшларимиз тинмасдан меҳнат қилиб, яхши ўқишилари ва ҳар томонлама етук бўлиши учун эса чет тилларини билиши ва китобларни кўп ўқишга ҳаракат қилишилари керак деб таъкидлади.

Коллеж ўқувчилари ва ўқитувчилари томонидан М.Мирсаидовга бир қанча саволлар берилиди.

Бу саволларнинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат бўлди: Сирдарё вилоятида қачон ирригация тизими яхшиланади, коллекциямиз атрофи ботқоқ бўлиб ётипи, шу ерга вертикал дренаж ўрнатиб ботқоқни қуритса бўладику, мелиорация тизимини такомиллаштиришга ажратилган пуллар қаерга кетяпти, ер ости сувини пасайтириш бўйича сизнинг институтингизда қандай илмий ишлар бажарилляпти, томчилатиб суғориш бўйича ҳозирги кунда нима қилинган, сувни тежаш бўйича қандай ишлар олиб борилаяпти, келгусида Республикамизда сув танқислиги бўлиши мумкинми, Ўзбекистонда шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича қандай ишлар бажарилмоқда, Ўзбекистонда атом электр станцияси қаерда қурилади, шуни қуриш керакми, келажакда сизнинг институтингизга кириш учун нима қилиш керак, институтингизда қандай факультетлар бор, олим ва академик бўлиш учун нима қилиш керак, давлат грантида (бюджетда) ўқиш учун нима қилиш керак, ҳарбий бўлиш учун нима қилиш керакдеган саволлар билан бирга бошқа физикага, математикага оид бир қанча саволарни беришди.

Коллеж ўқувчилари ва ўқитувчилар томондан берилган барча саволларга М.Мирсаидов тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қилди.

Биз билан борган проф.Т.Мавлонов колледж ўқувчиларига маънавий-маърифий ва одоб-ахлоққа оид кўп фойдали маслаҳатлар берди.

Ўз саволларига етарли жавоблар олган учрашув қатнашчиларининг кайфиятлари кўтарилиб, колледжнинг фаол ўқувчиси Фотима Нажмиддинова бизга Муҳаммад Юсуф шеърларидан ўқиб бериб бизни жуда хурсанд қилди.

Бизнинг фикримизча учрашув қизиқарли тарзда, юқори савияда ўтди, бўлган учрашувни ўқувчилар кўтариинки рух ва катта ишонч билан қабул қилишди. Учрашув қатнашчилари Президентимизга ёшларга яраталаётган имкониятлари учун ўз миннатдорчиликларини билдирилдилар.

Бу сұхбатлардан кейин вилоят ўрта махсус КХТБ бошлиғи ўринбосари Б.Ҳакимжоновва колледж директори Г.Хайдарова Президентимизнинг ишончи ёшлар томонидан албатта оқланишига ишонч билдириди.

Учрашув тугагандан кейин ҳам коллежнинг бир неча аълочи ўқувчилари бизнинг олдимизга келиб, маслаҳатлар олишди.

Эсдалик учун учрашувда қатнашган фаол ёшлар билан расмга тушилди.



ЎМБ Ходжаев Д.